

Капиталбанк АТБ Молиявий қўмитаси Йиғилишининг
_____ 2021 йилдаги _____-сонли Баённомаси билан
«ТАСДИҚЛАНГАН»

Намуна

QR-код орқали тўловларни қабул қилиш учун QR-online сервисига уланиш бўйича
ШАРТНОМА №__

_____ **ш.**

«__» _____ 2021 й.

“Капиталбанк” АТБ (бундан кейин “Банк”) номидан “_____” йилдаги _____-сонли Ишончномага асосан ҳаракат қилувчи, Банкнинг _____ филиали бошқарувчиси _____ бир томондан, ва _____ (бундан кейин “Мижоз”) номидан Низом/Гувоҳнома асосида асосида ҳаракат қилувчи _____ иккинчи томондан, биргаликда эса “Томонлар” деб аталувчилар, QR-код орқали тўловларни қабул қилиш учун QR-online сервисига уланиш бўйича мазкур Шартномани (бундан кейин (“Шартнома”) қуйидаги мазмунда туздилар.

1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. Мазкур Шартнома Мижознинг аризаси асосида тузилди ва Мижоз томонидан кейинчалик жисмоний шахслардан товар/иш/хизматлар учун тўловлар қабул қилиш учун фойдаланиладиган QR-кодни рўйхатга олиш ва уни олиш учун №23520 банк (баланс) ҳисобварағи (бундан кейин - “Транзит ҳисобварақ”) очиш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солади, ҳамда ҳар куни келиб тушган пул маблағларини автоматик тарзда Транзит ҳисобварақдан Мижознинг QR-код ва транзит ҳисобварақ очиш учун Аризасида кўрсатилган жорий ҳисобварақларига келгуси иш кунидан кечикмасдан ўтказиб берилишини таъминлайди.

1.2. Мазкур Шартномада қўлланиладиган атама ва таърифлар:

Банк корпоратив сайти – Интернет тармоғидаги www.kapitalbank.uz манзили бўйича Банкка тегишли сайт;

QR-Online тизими – бу ахборот тизими бўлиб, унда Мижозлар QR-кодларни рўйхатдан ўтказишлари ва бу код ёрдамида жисмоний шахслар ушбу Мижозларнинг Транзит ҳисобварақларига тўловларни амага оширишлари мумкин;

Воситачилик ҳақи – Мижозларга QR-код орқали тўловларни қабул сервисини тақдим этганлик учун Банк томонидан тасдиқланган воситачилик тўлови;

Шахсий кабинет – банкнинг масофавий хизмат кўрсатиш сервисидаги Мижознинг кабинети;

Иш куни – иш куни деганда, Ўзбекистон Республикасида беш кунлик иш ҳафтасидаги (меҳнат қонунчилигига мувофиқ аниқланган) одатий иш кунлари назарда тутилади;

Ҳисоб маълумотлари (ҳисобга олиш маълумотлари) – Мижоз томонидан киритиладиган ва мажбурий равишда Мижознинг СТИР ва мобил телефон рақамини ўз ичига олган маълумотлар;

QR-код – ушбу ном инглизча «Quick Response» - «Тезда жавоб олиш» жумласидан келиб чиқади. Икки ўлчовли штрих кодлар типидagi, машина томонидан таниб олинadиган («ўқилadиган») оптик белги бўлиб, у боғланган объект тўғрисидаги маълумотни ўз ичига олади (объект ҳақидаги маълумотларни ўз ичига олувчи матрикс штрихли код).

1.3. Мазкур Шартномада таърифланмаган атама ва таърифлар, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги билан ўрнатилган тартибда, уларнинг сўзма-сўз (том) маъноси ва жумланинг мазмунидан (контекстидан) келиб чиққан ҳолдаги талқинида қўлланилади.

2. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

2.1. Банкнинг мажбуриятлари:

2.1.1. Мижозни QR-Online тизимига улаш, Банк корпоратив сайтида рўйхатга олинган Шахсий кабинети орқали QR-код олиш мақсадида Мижозни QR-online тизимида рўйхатга олиш учун Мижозга Транзит ҳисобварақ очиш;

2.1.2. Мижозни QR-online тизимида рўйхатдан ўтказгандан сўнг, Мижознинг Банк корпоратив сайтида рўйхатга олинган Шахсий кабинетига QR-кодни жўнатиш;

2.1.3. QR-online тимизидан фойдаланган ҳолда Мижозга ҳисоб-китоблар иштирокчилари ўртасида QR-код орқали тўловларни қабул қилиш билан боғлиқ ахборот ва техник ўзаро меносабатларини таъминлаш;

2.1.4. Мижозга QR-кодни ўқиш (EMV стандарти бўйича) функциясига эга бўлган мобил иловалардан фойдаланувчи жисмоний шахслардан QR-код орқали тўшвларни қабул қилиш ва QR-код таркиби асосида тўлов ҳужжатини расмийлаштириш имкониятини яратиб бериш;

2.1.5. QR-код бўйича келиб тушадиган пул мабғларининг QR-код ва транзит ҳисобварақ очиш учун Аризада кўрсатилган асосий/иккиламчи (“Капиталбанк” АТБ ёки бошқа банкда очилган) депозит ҳисобварағига ўтказиб берилишини таъминлаш;

2.1.6. Ўзбекистон Республикасининг “Банк сири тўғрисида”ги Қонуни 3-моддасига мувофиқ банк сирини ташкил этувчи ахборот ва маълумотларнинг махфийлигини таъминлаш. Банк сирини ташкил этувчи маълумотлар фақатгина Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида назарда тутилган ҳолларда тақдим этилиши мумкин.

2.2. Банк қуйидаги ҳуқуқларга эга:

2.2.1. Мижоз томонидан тизимдан фойдаланиш ва ахборотни муҳофаза қилиш қоидалари бузилганида, ёки Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ҳужжатлари бузилганида Мижозни QR-online тизимидан фойдаланиш ҳуқуқидан маҳрум қилиш;

2.2.2. дастурий-аппарат воситалари ва коммуникация воситаларини қўллаб-қувватлаш билан боғлиқ профилактика ишлари вақтида, шунингдек Мижоз томонидан Ўзбекистон Республикаси қонунчилигини бузиш билан боғлиқ операциялар амалга оширилган тақдирда, ҳамда QR-online тизимидан фойдаланганлик учун Банкка тўланиши лозим бўлган воситачилик ҳақини тўламаслик ёки кечиктириб тўлаш ҳолатларида Мижознинг QR-online тизимидан фойдаланишини бир томонлама тартибда чеклаш ёки тўхтатиб туриш;

2.2.3. шубҳали (гумонли) операциялар аниқланганда, ва QR-online хизматидан жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштириш мақсадларида фойланишига асосланган шубҳа бўлган бошқа ҳолларда, Шартномани ўша куннинг ўзидаёқ бир томонлама тартибда бекор қилиш (уни бажаришдан тўлиқ воз кечиш) ёки Мижознинг амалга оширилган операциялар қонунийлиги бўйича Мижорзнинг ёзма тушунтиришига қадар QR-online хизматидни тақдим этишни вақтинчалик тўхтатиб туриш. Банк томонидан мазкур Шартномани ижро қилишг бир тарафлама рад этилган ҳолатда, Томонларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 382 моддаси 4-қисми билан назарда тутилган оқибатлар қўлланилади.

2.3. Мижознинг мажбуриятлари:

2.3.1. Банкнинг биринчи талабига кўра қуйидагиларга имкон берувчи ҳужжатларнинг асл нусхасини тақдим этиш:

– жиноий йўл билан топилган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш мақсадида Транзит ҳисобварағида амалга ошириладиган операцияларнинг қонунийлигини тасдиқлаш;

– агар Мижоз ёки Бенефициар мулкдор АҚШнинг солиқ резиденти бўлса, кейинчалик маълумотларни АҚШ солиқ органлари (IRS)га юбориш мақсадида Мижозни хорижий солиқ тўловчи сифатида идентификация қилиш;

2.3.2. Ушбу Шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланган Банкнинг янги Тарифларида назарда тутилган воситачилик ҳақлари ва бошқа тўловларни тўлаш.

2.3.3. Мазкур Шартнома билан назарда тутилган мажбуриятларни бажармаслик ёки тегишлича бажармаслик натижасида Банкка етказилган зарарни қоплаш.

2.4. Мижознинг ҳуқуқлари:

2.4.1. ўз ҳисобварақларида мавжуд бўлган пул маблағларини ўз ихтиёрига кўра мустақил тасарруф этиш, агар Ўзбекистон Республикасининг қонунчилиги билан бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса.

2.4.2. ҳисобварақда амалга оширилган операциялар бўйича маълумотларни олиш;

2.5. Мазкур Шартномада назарда тутилган ҳуқуқ ва мажбуриятлардан ташқари, Томонлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги билан назарда тутилган ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга.

3. ХИЗМАТЛАР МИҚДОРИ ВА ТЎЛОВ ТАРТИБИ

3.1. QR-online сервисини тақдим этганлик учун Мижоз Банкка ҳар кунлик қабул қилинган тўловлар суммасидан _____ миқдорида воситачилик ҳақи тўлайди.

3.2. Воситачилик ҳақи Банк томонидан, келиб тушган пул маблағларини кейинги Иш кунидан кечикмасдан Мижознинг Банкда ва/ёки Ўзбекистон Республикасининг бошқа тижорат банкларида очилган депозит ҳисобварақларига ўтказиб бериш вақтида акцепсиз равишда ҳисобдан чиқарилади (ушлаб қолинади), ва бунга Мижоз ўзининг сўзсиз ва чақириб олинмайдиган розилигини беради.

3.3. Банк томонидан кўрсатилган хизматлар учун қарздорликни қоплаш учун Мижознинг ҳисобварағида пул маблағлари мавжуд бўлмаганда ёки етарли даражада мавжуд бўлмаганда, қарздорликнинг тўланмаган қисми акцептсиз тўлов талабномаси қўйиш орқали Мижознинг 2-сон картотекасига жойлаштирилади, ва ушбу талабнома ўрнатилган тартибда ижро қилинади. Кўрсатилган тўлов талабномаси ҳеч қандай қўшимча тасдиқсиз Мижоз томонидан акцептланган ҳисобланади.

4. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ ВА НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

4.1. Ушбу Шартнома бўйича Томонлар ўз мажбуриятларини бажармаган ёки лозим даражада бажармаган тақдирда, шартларни бузган Томон амалдаги қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгарликка эга бўлади.

4.2. Томонлар мазкур Шартнома бўйича ўз мажбуриятларни тўлиқ ёки қисман бажарилмаганлиги учун, агар мажбуриятларнинг бажарилмаслиги сув тошқини, зилзила ва бошқа табиий офатлар, эмбарго, уруш ёки ҳарбий ҳаракатлар, Ўзбекистон Республикасининг давлат органлари томонидан қабул қилинган ва томонларнинг Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришига тўсқинлик қилувчи қарорлар ва бошқа меъёрий ҳужжатлар сингари мазкур Шартнома тузилгандан кейин юзага келган ҳолатлар, шунингдек, ҳар икки тарафнинг иродасига боғлиқ бўлмаган бошқа ҳолатлар (электр энергиясининг мавжуд эмаслиги, станциялар оралиғидаги алоқа узилишлари ва Интернет тармоғи провайдерларининг айби билан телекоммуникация алоқасининг йўқлиги ва ҳ.к.) натижасида юзага келган бўлса, Томонларнинг ҳеч қайси бири жавобгарликка эга бўлмайди.

4.3. Томонлар юзага келган низо ва келишмовчиликлар бўйича музокара йўли билан келишувга эриша олмасалар, ушбу низо ва келишмовчиликлар амалдаги қонунчиликка асосан суд тартибидан ҳал қилинади.

5. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ, УНИ ЎЗГАРТИРИШ ВА БЕКОР ҚИЛИШ ТАРТИБИ

5.1. Мазкур Шартнома имзоланган кундан бошлаб кучга киради ва у Мижознинг аризасига биноан ёки Шартномада белгиланган бошқа ҳолларда бекор қилингунга қадар амал қилади.

5.1.1. Мазкур Шартноманинг 2.2.3. кичик бандига мувофиқ Шартномани ижро қилишдан бир тарафлама воз кечиш ёки QR-online хизматини вақтинчалик тўхтатиб туриш, Мижознинг маълум почта ва/ёки юридик адреси бўйича, ва/ёки “Томонларнинг реквизитлари ва имзолари” бўлимида кўрсатилган почта ва/ёки юридик адреси бўйича, ва/ёки электрон алоқа каналлари ва/ёки етказиб бериш (куръерлик) хизмати орқали Мижозга тегишли ёзма хабарнома юбориш орқали амалга оширилади.

5.2. Мазкур Шартномага барча ўзгаришлар ва қўшимчалар, агар улур ёзма равишда амалга оширилган ва Томонларнинг вакиллари тарафидан имзоланган бўлса кучга эга, Томонлар бирининг юридик ёки почта манзили, банк реквизитлари ва фирма номи ўзгарган ҳоллар бундан мустасно, бу ҳолатда тегишли томон икки томонни 5 (беш) кун ичида ёзма хабарнома орқали хабардор қилиши шарт. Бунда, Банк ўз биносида ёки ўз Корпоратив сайтида тегишли эълонни жойлаштириш орқали Мижозни хабардор қилиш ҳуқуқига эга.

6. ШАРТНОМАНИНГ БОШҚА ШАРТЛАРИ

6.1. Ушбу орқали, Ўзбекистон Республикасининг “Банк сири тўғрисида”, “Ахборотлаштириш тўғрисида” ва “Шахсга доир маълумотлар тўғрисида”ги Қонунларига мувофиқ, Мижоз эркин равишда ва ўз хоҳишига биноан, ва ўз манфаатларини кўзлаб, Банкка мазкур шартномада назарда

тутилган ўз мажбуриятларини бажариши учун зарур бўлган банк сирини ташкил этувчи ва шахсга доир маълумотлар тўғрисидаги ахборотни, шунингдек қонун билан сақланувчи бошқа сирларни Учинчи шахсларга тақдим этишига ўз розилигини билдиради.

6.2. Томонлар электрон шаклдаги ҳужжатларни, шу жумладан электрон шаклда тўлдириладиган ва тузиладиган ҳужжатларни, оддий ёзма шаклда тузилган ҳужжатлар сингари тан олишга келишиб олдилар.

6.3. Томонлар ўртасида Мазкур Шартнома билан тартибга солинмаган муносабатлар юзага келганида, Томонлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ иш юритадилар. Мазкур Шартнома қоидалари Ўзбекистон Республикасининг қабул қилинган ҳужжатларига зид келганида, Томонлар мазкур шартномага ўзгаришлар киритилгунга қадар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ иш юритадилар. Бунда, Шартноманинг бошқа қоидалари ўзгармайди ва ўз кучида қолади.

6.4. Мазкур Шартнома Томонларнинг ҳоҳиш ва иродасига биноан ўзбек тилида, бир хил юридик кучга эга бўлган 2 (икки) нусхада тузилди. Шартноманинг бир нусхаси Банк учун, иккинчиси - Мижоз учун.

7. ТОМОНЛАРНИНГ РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ИМЗОЛАРИ

БАНК

«Капиталбанк» АТБ

_____ филиали

МИЖОЗ

«_____»